



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ХИТОЙ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 25 сентябрь куни Хитой Халқаро маданий коммуникация маркази раиси Лонг Юйсян ва Гонконгнинг “JDB Group” компанияси асосчиси Чан Хунтони қабул қилди.



Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги барча шароитларда ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини янада чуқурлаштириш ва маданий-гуманитар алоқаларни мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилди.

Марказ мамлакатимизнинг Хитой билан кўп қиррали ҳамкорлигини мустаҳкам-

лашга катта ҳисса қўшиб келаётгани қайд этилди. Биргаликда инфратузилмани ривожлантириш, инвестициялар ва “яшил” sanoat соҳаларида қатор лойиҳалар амалга оширилди.

“JDB Group” компаниясининг Ўзбекистондаги фаолиятининг устувор йўналишлари сифатида замонавий шаҳар,

транспорт ва sanoat инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда геология соҳаси белгиланди.

Учрашув якунида мазкур компания иштирокида амалга оширилаётган ва янги лойиҳаларни жадаллаштириш юзасидан келишувга эришилди.

ЎЗА

ЖАҲОН АМАЛИЁТИГА ИНСОН ҳУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА “САМАРҚАНД РУҲИ”НИ ОЛИБ КИРГАН АНЪАНАВИЙ ФОРУМ

Жорий йилда Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд форумига асос солинганига 8 йил бўлди. Анъанавий тарзда ҳар икки йилда ўтказиб келинаётган ушбу халқаро анжуман қисқа муддатда инсон ҳуқуқларининг турли соҳаларига тааллуқли долзарб масалаларни муҳокама этиш ва самарадор ечимлар топиш борасида дунё микёсида кам учрайдиган ноёб, қулай ва ўзига хос мулоқот майдонига айланди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “Юртимизда илк бор 2018 йилда ўтказилган Инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё форуми жаҳон амалиётига ўзига хос “Самарқанд руҳи”ни олиб кирди десак, ҳеч муболага бўлмайди. Шу тариқа инсон ҳуқуқлари

Халқаро анжуман олдидан



соҳасидаги энг долзарб муаммоларга бағишланган Самарқанд форумларини ўтказиш яхши анъана тусини олди”.

Шу йил сентябрь ойининг сўнгги кунлари Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида Инсон ҳуқуқлари бўйича V Самарқанд

форуми бўлиб ўтади. Фикримизча, навбатдаги анъанавий форум арафасида унинг тарихига атрофлича назар солиш аини мудоао.

▶ Давоми 3-бетда

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ОРТГА ҚАЙТМАС ИСЛОҲОТЛАРГА СОДИҚМИЗ



Аслида, янги Ўзбекистоннинг янги тарихи ҳам ана шу ердан — давлатда ҳалоллик, жамиятда адолат, ҳар бир инсон ҳаётида қонун устувор бўлган муҳитни барпо этишдан бошланади. Хусусан, 2017 йили “Коррупцияга қарши курашиш

Янги Ўзбекистон тараққиётининг муҳим саҳифаларидан бири, шубҳасиз, коррупцияга қарши курашиш давлат сиёсатининг энг устувор ва стратегик йўналишига айлангандир. Энг муҳими, бу сиёсатнинг асосий моҳияти ва мақсади коррупциянинг оқибати билан курашиш эмас, балки унга имкон берадиган шароитларни бартараф этиш, давлат хизматини том маънода халққа хизмат қиладиган институтга айлантириш ва ҳар бир одамда “қонун ҳаммага баробар” деган ишончни мустаҳкамлашга қаратилган.

тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши, аввало, сиёсий ирода ва катта жасорат эди. Чунки коррупция ҳақида очиқ гапириш, илдишларини тан олиш ва унга қарши тизимли курашиш — муаммони яширишдан кўра анча мураккаб ва катта масъулият

талаб қиладиган оғир ва синовли йўл эди. Шунга қарамай, бу ирода фақат ҳужжатларда қолиб кетмади. Аксинча қатъий талаблар, изчил ислоҳотларга айланди.

▶ Давоми 4-бетда

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ВА ГРУЗИЯ БОШ ВАЗИРИ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Грузия Бош вазири Ираклий Кобахидзе билан телефон орқали мулоқот қилди.

Давлатимиз раҳбари Ираклий Кобахидзега таваллуд куни билан самимий табриклаб, унга мустаҳкам соғлиқ, Грузия халқига фаровонлик ва бардавом равнақ тилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 2-3 июль кунлари

Грузияга давлат ташифи якунлари бўйича эришилган келишувларни амалга ошириш доирасида Ўзбекистон — Грузия стратегик шериклик муносабатларини янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзаро савдо ҳажмини ошириш, sanoat кооперациясини кенгайтириш, шунингдек,

Грузиянинг Потти ва Анаклия портлари инфратузилмасидан самарали фойдаланиш орқали транспорт жиҳатидан Ўзаро боғлиқлиқни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

ЎЗА

АГРАР СОҲАДА СУБСИДИЯ АЖРАТИШ ВА СУҒУРТАЛАШ ТИЗИМЛАРИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев аграр соҳада субсидияларни ажратиш ва суғурталаш тизимларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар тақдимоти билан танишди.

Сўнгги йилларда қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кўлами кенгайиб, субсидияларни ажратиш жараёнлари босқичма-босқич рақамлаштирилмоқда. Жорий йилда соҳадаги субсидиялар сони 29 та йўналиш ва 91 та турга етказилиб, бу мақсадларга 2,7 триллион сўм маблағ кўзда тутилган. Қатор йўналишларда аризалар проактив шакллантирилиб, тўлов муддатлари сезиларли қисқартирилди.

Тақдимотда энди субсидияларни шунчаки харажатни қоплашга эмас, балки аниқ натижага боғлаш зарурлиги таъкидланди. Келгуси йилда “маблағ ажратиш” моделидан “натижавий субсидия” моделига босқичма-босқич ўтиш таклиф қилинди.

Янги тизимда ҳосилдорлик, сув ҳамда энергия тежамкорлиги, сарфланган ресурслар эвазига олинган маҳсулот ҳажми асосий мезон бўлади. Барча маълумотлар тегишли давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимларидан инсон омилсиз олинади. Ҳар бир субсидия олувчининг электрон پاسпорти шакллантирилиб, натижалар онлайн кузатиб борилади.

Дастлаб ушбу механизм сув тежовчи технологияларни жорий этиш йўналишида

синовдан ўтказилади. Субсидия ажратилгандан кейин икки-уч йил давомида сув сарфи, ҳосилдорлик ва сув унумдорлиги баҳоланади. Белгиланган кўрсаткичлар бажарилмаса, субсидия маблағини қайтариш механизми қўлланилади. Бу давлат маблағларининг манзилли ва самарали сарфланишини таъминлайди.

Тақдимотда қишлоқ хўжалиги суғуртаси тизимини такомиллаштириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Бугунги кунда “Agrosafe” ахборот тизими орқали электрон ариза беришдан тортиб, шартнома ва полисни расмийлаштириш, мониторинг, экспертиза ҳамда тоvon пулини тўлашгача бўлган жараёнлар рақамлаштирилган.

Суғурта қамровини кенгайтириб, боғ ва узумзорлардаги кўчат ва дарахтлар, импорт қилинган чорва ҳамда тасодифий ҳодисалар билан боғлиқ хавфларни ҳам суғурталаш режалаштирилган. Шунингдек, чорвачилик, полизчилик, картошка ва пивёз етиштириш учун янги суғурта маҳсулотлари жорий этилади.

2027 йилда 45 мингта қишлоқ хўжалиги корхонасини суғурта билан қамраб олиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг суғурта қамровини 60 фоизга

етказиш, 500 нафар мустақил эксперт тайёрлаш ҳамда суғурта хизматларини тўлиқ рақамлаштириш мақсад қилинган.

Янги ёндашувда зарар оқибатларини қоплаш билан бирга хавфларнинг олдини олишга ҳам устувор аҳамият берилади. Суғурта мукофотининг 3-5 фоизини маҳсул жамғармада шакллантириб, чорвачиликда вакцинация, профилактика ва ветеринария хизматларига, пахта ва ғаллачиликда биологик ҳимоя тадбирларига, боғдорчилик ва узумчиликда эса табиий офатлардан ҳимоя воситаларини ўрнатишга йўналтириш таклиф қилинди.

Давлатимиз раҳбари субсидия ва суғурта тизимлари, энг аввало, фермер учун содда ва қулай бўлиши, давлат маблағлари аниқ натижага хизмат қилиши зарурлигини таъкидлади. Жараёнларда инсон омилини қисқартириш, шаффофликни таъминлаш, суғурта ҳодисаларини адолатли баҳолаш ва тоvon пулларини тезкор тўлаш бўйича кўрсатмалар берилди.

Мутасаддиларга билдирилган таклифларни такомиллаштириб, тегишли ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини киритиш вазифаси қўйилди.

ЎЗА

АНДИЖОН ТАЖРИБАСИ: БУНЁДКОРЛИК, ИНВЕСТИЦИЯ ВА АҲОЛИ МАНФААТЛАРИ УЙҒУНЛАШАЁТГАН ЯНГИ ТАРАҚҚИЁТ МАНЗАРАСИ



Андижон — азалдан меҳнатсеварлиги, тадбиркорлик руҳи, sanoat салоҳияти ва янгиликка интилиши билан ажралиб турган замин. Бугун эса бу ерда кечаётган ўзгаришлар ҳудуд тараққиётининг янги босқичи шаклланаётганини кўрсатмоқда.

98 таси ишга туширилгани, 108 тасининг қурилиш бошлангани ҳудуддаги иқтисодий жараёнлар кўламини яқол кўрсатади. Ушбу лойиҳалар натижасида 45 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилиши, йилгига 60,6 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиши ва 533 миллион долларлик экспорт салоҳияти шаклланиши режалаштирилган.

Бироқ сенатор сифатида мен учун ушбу рақамлардан ҳам муҳимроқ жиҳат бор: Андижонда бугун фақат янги корхоналар эмас, балки инсон капитали, технология, инвестиция, таълим, ишлаб чиқариш ва хизматларни ўзаро боғладиган янги иқтисодий муҳит шаклланоқда.

▶ Давоми 2-бетда



АНДИЖОН ТАЖРИБАСИ: БУНЁДКОРЛИК, ИНВЕСТИЦИЯ ВА АҲОЛИ МАНФААТЛАРИ УЙЎНЛАШАЁТГАН ЯНГИ ТАРАҚҚИЁТ МАНЗАРАСИ



Муносабат



Кутбиддин БУРҲОНОВ,
сенатор

Бошланиши 1-бетда

Инвестиция ҳақида сўз борганда, одатда миллиардлаб доллар, ишлаб чиқариш ҳажми, экспорт ва янги корхоналар сони тилга олинади. Албатта, булар муҳим иқтисодий кўрсаткичлар. Аммо инвестициянинг энг муҳим ижтимоий самараси инсон ҳаётида намоён бўлади. Янги завод — янги иш ўрни, янги технология — янги касб, янги техникум — малакали мутахассис, янги йўл — тежалган вақт, янги экспорт корхонаси — оила ва ҳудуд даромадининг ўсиши, янги sanoat кооперацияси эса кичик бизнес учун янги бозор демакдир.

Шу маънода, Андижонда амалга оширилаётган лойиҳаларни бир-биридан алоҳида кўриш тўғри эмас. Улар бир-бирини тўлдирадиган, ҳудуднинг иқтисодий салоҳиятини янги босқичга олиб чиқадиган ягона жараёнинг таркибий қисмларидир. Энергетика, машинасозлик, тўқимачилик, қурилиш, фармацевтика, қишлоқ хўжалиги, логистика, таълим, туризм ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги лойиҳалар иқтисодиётни диверсификациялаш билан бирга янги қиймат занжирларини шакллантириш имконини бермоқда.

Энди асосий вазифа инвестицияни жалб қилишнинг ўзи билан чекланмасдан, уни маҳаллий иқтисодиётга чуқур сингдиришдир. Бунинг учун маҳаллийлаштириш, кооперация, кадрлар тайёрлаш, технологияларни ўзлаштириш ва экспорт

салоҳиятини оширишга бир вақтнинг ўзида эътибор қаратиш лозим.

Андижон туманида ташкил этилаётган “Андижон Жинлун янги энергия” корхонаси мисолида инвестициянинг ана шу янги мазмунини кўриш мумкин. 20 миллион доллар тўлиқ хорижий инвестиция асосида амалга оширилаётган ушбу лойиҳада кичик гидроэлектр станциялар учун ускуналар ишлаб чиқарилади. Корхона тўлиқ қувватга чиққач, йилга 100 та кичик ГЭС мажмуаси учун ускуналар ишлаб чиқариши, 200 та янги иш ўрни яратиши ва маҳсулотларни қўшни давлатларга экспорт қилиши режалаштирилган.

Бу оддий ишлаб чиқариш лойиҳаси эмас. У мамлакатда кичик ва микро-ГЭСлар тармоғини ривожлантириш билан бирга энергетика соҳасида маҳаллий sanoat базасини шакллантиришга хизмат қилиши мумкин. Яъни энергия ишлаб чиқариш, ускуна тайёрлаш, муҳандислик, сервис хизмати, техник мутахассислар тайёрлаш ва экспорт бир занжирга бирлашмоқда.

Бундай ёндашувни шартли равишда “ресурс — маҳсулот — технология —

технологияларни олиб келиш мумкин. Аммо ушбу технологияни бошқарадиган, уни тақомиллаштирадиган ва янги ечимлар яратадиган мутахассис бўлмаса, инвестициянинг самараси чекланиб қолади.

Шу нуқтаи назардан, Андижон-Хуаня халқаро техникумида йўлга қўйилаётган дуал таълим тизими алоҳида аҳамиятга эга. Бунда ўқувчи назарий билимни таълим муассасасида, амалий кўникмани эса ишлаб чиқариш корхонасида эгаллайди. Бу таълимни меҳнат бозори эҳтиёжлари билан боғлашнинг амалий механизми.

Бугун 210 ўқувчини қамраб олган техникумда 2030 йилга бориб, йиллик қабулни 1800 нафарга, умумий ўқувчилар сонини 4 мингга етказиш режалаштирилган. Бу рақамлар ортида битта муҳим мақсад бор: Андижон sanoati бугун қандай кадрга муҳтож бўлса, таълим тизими эртага айнан шундай мутахассисни тайёрлаши керак.

Замонавий таълимнинг асосий саволи ҳам шу: “Битирувчи қаерда ишлайди?” эмас, балки “Худуд иқтисодиётига қандай мутахассис керак?”. Андижонда шаклланаётган тажриба бу икки жараён —



экспорт” занжири деб аташ мумкин. Айниқса, Андижоннинг сув ресурслари, жумладан, Катта Фарғона канали салоҳиятидан самарали фойдаланиш имкониятлари бу йўналишга қўшимча туртки беради. Энг муҳими, “яшил” энергетика эндиликда фақат экологик масала эмас. У янги sanoat тармоқлари, касблар, инвестициялар ва экспорт бозорларини шакллантирувчи иқтисодий омилга айланмоқда.

Ҳар қандай иқтисодий изолятнинг узок муддатли натижаси, аввало, кадрларга боғлиқ. Замонавий завод қуриш, энг сўнгги

таълим ва ишлаб чиқаришни бир-бирига яқинлаштириш зарурилгини кўрсатмоқда.

Хўжабоддаги Андижон технопарки ҳам ҳудуд sanoati келажагини белгилайдиган лойиҳалардан бири. 100 гектар майдонда 51 та sanoat корхонасини жойлаштириш ва 3 мингта янги иш ўрни яратиш режаси sanoat кооперациясини янги босқичга олиб чиқиш имконини беради.

Айниқса, “ақли” сув ҳисоблагичлар ишлаб чиқарилиши замонавий технологияларни реал иқтисодиёт билан боғлаш нуқтаи назаридан муҳим. Роботлаштирилган ишлаб чиқариш, 5G технологиясига асосланган ҳисоблагичлар, маҳаллийлаштириш даражасини ошириш режалари — буларнинг барчаси технологик иқтисодиётга ўтиш жараёни белгиларидир.

Лекин маҳаллийлаштиришни фақат импорт ўрнини босиш деб тушунмаслик керак. Маҳаллийлаштириш янги корхоналар, бутловчи қисмлар ишлаб чиқарувчилар, хизмат кўрсатувчи субъектлар, муҳандислар, технологлар ва кичик бизнес ўртасида кооперация занжирини яратиш демакдир. Агар йирик корхона атрофида ўнлаб ва юзлаб маҳаллий тадбиркор ўз маҳсулоти ёки хизмати билан шитирок этса, инвестициянинг мультипликатив самараси шунча юқори бўлади.

Аҳоли зич, ер ресурслари чекланган Андижон учун қишлоқ хўжалигида экстенсив эмас, интенсив ривожланиш модели муҳим. “Агрокластер Олтинкўл”да синовдан ўтказилаётган замонавий агро-

технологиялар бунинг бир мисолидир. Чигитни плёнка остига қўшқатор экиш, томчилатиб суғориш, ўғитдан самарали фойдаланиш ва дрон технологияларини қўллаш орқали ҳосилдорлиқни ошириш, сув ва ресурслар сарфини камайтириш мақсад қилинмоқда.

Бу ерда энг муҳим масала фақат ҳосилдорлик эмас. Биз қишлоқ хўжалигида “қанча ер бор?” деган саволдан “мавжуд ер ва сувдан қанча қўшилган қиймат ярата оламиз?” деган саволга ўтишимиз керак. Бу — сув танқислиги, иқлим ўзгариши ва озик-овқат хавфсизлиги шароитида тобора долзарб бўлиб бораётган ёндашув.

Балиқчилик ва паррандачилик соҳаларидаги лойиҳалар ҳам Андижонда янги иқтисодий моделлар шаклланаётганини кўрсатади. Балиқчи туманидаги интенсив балиқчилик лойиҳасида сувни қайта ишлатиш, қуёш панелларида фойдаланиш ва фойдаланилган сувни қишлоқ хўжалигида йўналиштириш каби ёндашувлар қўлланилаётгани эътиборга молик.

Бунда ана бир жиҳат — маҳаллалардаги хонадонларни кооперация асосида ишлаб чиқариш жараёнига жалб қилиш. Чунки иқтисодий ўсиш самараси фақат йирик корхонада қолиб кетмаслиги, маҳалла, оилавий тадбиркорлик, фермер хўжалиги ва кичик бизнесга ҳам тарқалиши керак.

Паррандачиликда озуқа тайёрлашдан тортиб, етиштириш, сўйиш, қайта ишлаш, қадоқлаш ва истеъмолчига етказиб беришгача бўлган тўлиқ занжир шаклланиши шу мақсадга хизмат қиладди. Яъни қўшилган қийматни хомашё ҳолатида ташқарига чиқариш эмас, унинг катта қисмини ҳудуднинг ўзида яратиш имкони пайдо бўлади.

Бугунги тараққиётни рақамли технологияларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Балиқчи туманидаги Сунъий интеллект марказида ёшларни дастурлаш, маркетинг ва робототехника йўналишларига ўқитиш, тадбиркорларга сунъий интеллект асосида хизматлар кўрсатиш йўлга қўйилгани ана шу ўзгаришнинг муҳим кўринишидир.

Сунъий интеллект энди фақат АТ соҳа мавзуси эмас. У ишлаб чиқариш, логистика, қишлоқ хўжалиги, маркетинг, молия ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг ишлаш усулини ўзгартирмоқда. Шунинг учун ёшларга фақат компьютердан фойдаланишни эмас, технология ёрдамида реал иқтисодий муаммоларни ҳал қилишни ўргатиш муҳим.

Марказ томонидан 500 дан ортиқ тадбиркорлик субъектига хизмат кўрсатилгани ва бу хизматлар қиймати 8,5 миллиард сўмни ташкил этгани таълим, технология ва бизнеснинг бир нуқтада туташishi қандай амалий самара бериши мумкинлигини кўрсатади.

Андижоннинг иқтисодий салоҳияти фақат sanoat ва қишлоқ хўжалигидан иборат эмас. Асаканинг экотуризм имкониятлари, Андижон шаҳридаги гастрономик туризм кўчаси каби лойиҳалар хизматлар соҳасининг янги ўсиш нуқталарини шакллантирмоқда.

Гастрономик туризм кўчасида савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари ташкил этилиши, янги иш ўринлари яратилиши, аҳоли ва сайёҳлар оқими учун қўлай муҳит шаклланиши шаҳар инфратузилмаси ва тадбиркорлиқни бир-бири билан уйғунлаштириш имконини беради.

Туризмнинг ана бир муҳим жиҳати шундаки, у кўплаб кичик бизнес субъектларини бир вақтнинг ўзида иқтисодий жараёнга жалб этади. Меҳмонхона, умумий овқатланиш, транспорт, хунармандлик, савдо, маданий хизматлар — буларнинг

барчаси туризм занжирининг таркибий қисмларига айланади.

Иқтисодий тараққиётни фақат заводлар ва инвестиция ҳажми билан ўлчаб бўлмайди. Инфратузилма сифати ҳам инсон ҳаётининг муҳим қисми.

Андижон шаҳрида Бобур шоҳ кўчасининг икки қисмини боғловчи янги йўл-казгич барпо этилиши бунга яққол мисол. 796 метрли ушбу иншоот 140 минг аҳоли учун айланма йўл масофасини қисқартириш имконини беради.

Бу оддий транспорт масаласи эмас. Тежалган вақт — тадбиркор учун иқтисодий ресурс. Қўлай ҳаракат — ишчи учун вақт. Қисқарган масофа — тезкор тиббий ёрдам учун муҳим омил. Шу боис, йўллар, кўприklar ва йўл-казгичларнинг аҳамиятини фақат қурилиш қиймати ёки узунлиги билан эмас, балки одамлар ҳаётига берган қўлайлиги билан ҳам баҳолаш зарур.

Андижондаги жараёнларни аялти манзара сифатида кўрсак, ўзаро боғлиқ бир неча йўналишни кўрамиз: инвестиция ишлаб чиқаришни кенгайтирмоқда, sanoat янги иш ўринлари яратмоқда, таълим янги иқтисодиёт учун кадр тайёрламоқда, рақамлаштириш меҳнат унумдорлигини ошириш имконини бермоқда, маҳаллийлаштириш ички кооперацияни кучайтирмоқда, экспорт янги бозорларга йўл очмоқда, қишлоқ хўжалигида инновациялар ресурслардан самарали фойдаланишга хизмат қилмоқда, туризм ва хизматлар аҳоли даромадларининг янги манбаларини шакллантирмоқда, инфратузилма эса ҳудудлар ва одамларни бир-бирига яқинлаштирмоқда.

Бу жараёнларнинг барчасини бирлаштириб турган асосий мезон инсон манфаатидир.

Иқтисодий ўсишнинг ҳақиқий қиймати ҳам шунда намоён бўлади. Яъни яратилган қиймат инсоннинг даромади, бандлиги, билими, касбий салоҳияти, турмуш шароити ва келажака ишончида акс этиши керак.

Шу билан бирга, ҳар қандай инвестиция лойиҳаси ишга туширилиши —



якуний натижа эмас. Ҳақиқий самара корхона тўлиқ қувватга чиққан, иш ўринлари барқарор бўлган, маҳсулот бозорда ўз ўрнини топган, экспорт ҳажми ошган ва маҳаллийлаштириш чуқурлашган тақдирдагина намоён бўлади.

Шу нуқтаи назардан, парламент вакиллари сифатида биз инвестиция лойиҳаларининг белгиланган кўрсаткичлари ва реал натижадорлигини тизимли мониторинг қилиш, маҳаллийлаштириш ва кооперацияни кучайтириш, таълим дастурларини янги sanoat ва технологиялар эҳтиёжларига мослаштириш, экспорт қилувчи корхо-

наларнинг халқаро стандартлар ва ташқи бозорларга чиқиш имкониятларини кенгайтириш, “яшил” энергетика, сув тежовчи технологиялар ва айланма иқтисодиёт тамойилларини кенг жорий этишга доимий эътибор қаратишимиз зарур.

Энг муҳими, ҳар бир лойиҳа бўйича “қанча маблағ сарфланди?” деган савол билан бирга “қанча янги қиймат яратилди, қанча барқарор иш ўрни пайдо бўлди ва бу натижа аҳоли ҳаётига қандай таъсир қилди?” деган савол ҳам қўйилиши лозим.

Андижонда бугун қилинаётган ишлар ортида фақат миллиардлаб доллар инвестиция ёки юзлаб лойиҳалар эмас, балки минглаб инсонлар меҳнати, тадбиркорлар ташаббуси, инвесторлар ишончи ва ёшларнинг интилишлари мужассам.

9,4 миллиард долларлик 206 та лойиҳа — катта қўлам. Аммо унинг ҳақиқий мазмуни янги иш ўрни яратилган инсонда, замонавий касб эгаллаётган ёшда, ўз хонадонида даромад топаётган оилада, экспортга чиқарилаётган маҳсулотда, янги технологияни ўзлаштираётган мутахассисда намоён бўлади.

Кичик ГЭСлар учун ускуналар ишлаб чиқариш “яшил” энергетика ва sanoatнинг бир нуқтада уйғунлашганини кўрсатади. Технопарклар — янги кооперация ва маҳаллийлаштириш майдони. Техникумлар — инсон капитали пойдевори. Сунъий интеллект марказлари — рақамли иқтисодиёт лабораторияси. Интенсив қишлоқ хўжалиги — чекланган ресурслардан кўпроқ қиймат олиш имконияти. Туризм лойиҳалари — ҳудуднинг табиий ва маданий салоҳиятини иқтисодий фаолликка айлантириш воситаси. Янги инфратузилма эса одамлар, ҳудудлар ва имкониятларни бир-бирига яқинлаштирувчи омилдир.

Назаримда, бугунги Андижонни бир ибора билан ифодалаш мумкин: бу — имкониятларни натижага айлантириш даври.

Эндиликда асосий вазифа бу суръатни изчил давом эттириш, ҳар бир инвестиция самарадорлигини таъминлаш, ҳар бир янги корхонани маҳаллий иқтисодиёт билан

боғлаш, ҳар бир ёшга замонавий касб ва билим эгаллаш имконини яратиш, иқтисодий ўсиш натижаларини эса инсон фаровонлигида янада яққол намоён этишдир.

Андижонда бунинг учун салоҳият ҳам, тадбиркорлик руҳи ҳам, меҳнатсевар халқ ҳам, ёшлар ҳам бор. Бугун қурилаётган корхоналар, технопарклар, таълим марказлари, энергетика объектлари, йўллар ва замонавий инфратузилма аслида эртанги Андижоннинг пойдеворидир.

Бу пойдеворнинг энг мустаҳкам устуни эса инсон. Унинг меҳнати, билими, ташаббуси ва келажака ишончидир.



Шукуҳ



Манзура ДАДАБОЕВА,
Андижон тумани Бобур
шаҳридаги
1-мактаб директори

ЎҚИТУВЧИЛАР УЧУН КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР ЭШИГИ ОЧИЛДИ

Президентимизнинг вилоятимизга ташрифини катта қизиқиш, ҳаяжон билан кузатдим. Ҳатто тун қоронғисида ҳам Андижонда қилинаётган ишлар билан танишгани, масъулларга тегишли вазифалар, масъахатлар бергани чинакам жонкуяр мамлакат етакчисига хос ғайрат ва шижоат намунаси бўлди.

Давлатимиз раҳбари қайд этганидек, вилоятимизда қилинган ишлар кўп. Лекин олдинда вазифалар ҳам кам эмас. Аҳолиси зич бўлган вилоятимизда уй-жой муаммоси йил сайин долзарб бўлиб бормоқда. Шунинг учун адирликларда гўзал шаҳарчалар барпо этиляпти. Жумладан, эзгу ниятлар билан яратилган Бобур шаҳри ҳам кундан кунга чирой очиб борапти. Бу ердаги шароитларни кўриб, ҳавас қилаётганлар кўп. Вилоятдаги 25 минг киши кўп қаватли уйларга кўчиб келди. Одамларга муносиб яшаш шароити яратиш мақсадида бу ерда яна 200 минг кишига мўлжалланган уй-жойлар қурилиши бошланди. Мактабимизда ўқувчилар сони кескин ортиб бораётгани янги шаҳарда етарлиқ шароит мавжудлигига яққол мисолдир.

Ўқувчиларнинг билим олишдан ташқари касб-хунар эгаллаши, чет тилларни ўрганиши учун ўқув марказлари, спорт билан шуғулланиши учун спорт тўғрақлари очилган. Биз, педагоглар ушбу имкониятлардан руҳланиб, болаларимизга замонавий таълим, гўзал тарбия беришга ҳаракат қилаётганимиз ҳақида йиғилишда ҳам тўққинлашиб гапирдик.

Дарҳақиқат, ўқувчиларимизни юксак маънавият эгалари этиб вояга етказиш, таълим сифатини кўтариш, ўғил-қизларимизнинг ОТМга кириш кўрсаткичини ошириш биринчи галдаги вазифамиз. Янги мактабимизнинг илк битирувчилари 100 фоиз олий таълимга ўқишга қабул қилинди.

Мактабимиз 1680 ўринга мўлжалланган бўлиб, айни пайтда 70 дан зиёд



педагог 1200 дан ортиқ ўғил-қизга таълим-тарбия бериб келмоқда. Фаолиятимизда ўқувчиларнинг олий таълимга тўлиқ ўқишга киришини таъминлашга алоҳида

эътибор қаратганим ва бундай натижа давомли бўлгани учун 2023 йили II даражали “Соғлом авлод учун” ордени билан мукофотландим.

Кейинги йилларда республикаимизнинг барча ҳудудда мактаб таълими сифатини тубдан яхшилашга жиддий эътибор берилляпти. Айниқса, олис ҳудудлардаги мактабларда ишлаётган ўқитувчиларга алоҳида имтиёзлар тақдим этилаётгани ҳам изоҳотларнинг энг чекка манзилларга кириб бораётганига яққол мисол. Шунинг учун ҳам бугун ўқитувчилар олис, тоғли ҳудудларга бориб, дарс ўтишдан бош торتماйпти. Аксинча, маошига тенг баробар қўшила-диган ҳалол, юқори даромаддан мамнун бўлиб ишляпти. Асқ ҳолда, 1000-2000 доллар маош олаётган ўқитувчилар сони кундан кунга кўпаймасди. Мана шундай шароит яратиб бераётгани учун давлатимиз раҳбаридан чексиз миннатдорчиз. Бизга билдирилаётган алоҳида ишонча жавобан эртанги эгаларининг янги Ўзбекистон тараққиётига қўшадиган ҳиссасини оширишга маҳкам бел боғлаймиз. Бинобарин, бугун ўқитувчилар дорилан кунларда яшяпти, улар учун мислсиз имкониятлар эшик очди.

Бу каби юксак ютуқлар аслида ҳар биримиз учун қатъа масъулият. Чунки коррупцияга қарши курашишда эришилган ҳар бир натижа — кейинги қадам учун янги мажбурият, янги талаб ва янги мезондир. Мамлакатимиз, Президентимиз ва халқимиз эса ўз олдига улкан мақсад қўйган: коррупцияга қарши курашишдан давлатдан коррупцияга имкон бермайдиган жамиятга айланиш. Шубҳасиз, бу мақсадга ҳалолликни қадрлайдиган давлат, қонуналарга ишонадиган жамият ва коррупцияга «йўқ» дейишни ўзининг оддий ҳаётини меъёрига айлантирган халқ бериши эришди. Бугун биз мана шу муҳим босқичларни босиб ўтганимиз. Энди энг устувор вазифа — уни ортага қайтайдиган йўлга айлантириш.



Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз!

5

2026 йил 26 сентябрь, 200-сон



Камолиддин ТЎРАЕВ,
фалсафа фанлари бўйича
фалсафа доктори, доцент

Замонавий шахрни қисқа муддатда қуриш мумкин. Янги заводни ҳам, рақамли платформани ҳам яратса бўлади. Лекин билим, масъулият, қонунига ҳурмат билан қарайдиган, миллий ўзлигини англаган, табиат ва жамият тақдирига дахлдор инсонни бир кунда шакллантириб бўлмайди.

Шу нуқтаи назардан, Президентимизнинг мустақиллигимизнинг ўттиз беш йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги **“Келгуси ўн йиллик — биз учун миллий юксалиш даври бўлади”**, деган концептуал фикри алоҳида аҳамият касб этади. Нутқда мазкур юксалиш даври фалсафаси халқимизнинг ақл-заковати, меҳнати ва бирдамлиги билан боғланиб, инсон қадрини янада юксалтиришга қаратилган етти та миллий дастур белгиланди.

Бу етти дастурни фақат иқтисодий ёки ижтимоий сиёсат йўналишлари сифатида эмас, маънавий жараёнлар нуқтаи назаридан ҳам таҳлил қилиш мумкин. Бундай ёндашувда уларнинг ортда ўзаро узвий боғлиқ бўлган етти та маънавий таянч кўринади: билим — маърифий капитал — инсон қадр ва ўзига масъулият, технологик тараққиёт — инновацион тафаккур, экология — экологик маданият, қонун устуворлиги — ҳуқуқий маънавият, маҳалла — ижтимоий ҳамжиҳатлик, бағрикенглик — миллий бирдамлик.

Инсон капитали: билим, саломатлик ва янги тафаккур

Миллий юксалиш марказида инсон туради. Янги Ўзбекистон ислохотларида илгари сурилган “Инсон қадр учун!” тамойилини фақат ижтимоий ҳимоя ёки аҳолига хизмат кўрсатиш билан чеклаб тушуниш етарли эмас. Инсон қадрни шахсга тайёр имтиёз бериш эмас, имкониятини рўёбга чиқариш учун шароит яратишдир. Бу инсонни давлат сиёсатининг пассив объектидан тараққиётнинг фаол субъектига айлантиришни тақозо қилади.

Бунда биринчи ҳал қилувчи омил — билим. Президентимиз маърузасида билим ва малакани келгуси тараққиётнинг асосий капиталига айлантириш биринчи миллий дастурнинг мазмунини сифатида белгиланган. Таълимнинг барча босқичларини сифат жиҳатидан ўзгартириш, касбий таълимни кучайтириш ва университетларни халқро рақобат майдонига олиб чиқиш каби вазифалар шунга хизмат қилади. “Маърифий капитал” деган тушунча алоҳида аҳамиятга эга. Маърифий капитал — фақат олий маълумотлилар сони эмас, у билим, малака, мустақил фикрлаш, ахборотни таҳлил қилиш, янгилик яратиш, ўрганишни давом эттириш ва ўз билиминини жамият манфаатига йўналтириш олиш қобилиятининг бирлигидир. Оддий бир мисол: икки ёш бир хил смартфон, бир хил интернет ва бир хил сунъий интеллект платформасидан фойдаланишни мумкин. Биринчи ёш уни фақат кўнглиочар контент учун ишлатади. Иккинчиси хорижий тил ўрганади, дастурида ўзлаштирилади, илмий маълумот излайди, янги маҳсулот яратишга ҳаракат қилади. Технология иккаласида ҳам бир хил. Фарқ — тафаккурда. Демак, рақамли имкониятнинг ўзи тараққиёт қафолати эмас. Уни қандай мақсадда ишлатадиган инсон борлиги ҳал қилувчи масаладир.

Иккинчи муҳим масала — саломатлик. Инсон қадр ҳақида гапириб, унинг соғлом яшаш ҳуқуқини четда қолдириб бўлмайди. Шунинг учун профилактикага асосланган саломатликни асраш моделига ўтиш вазифаси катта маънавий аҳамиятга эга. Чунки саломатлик — фақат шифокорнинг масъулияти эмас. Инсоннинг ўз танаси ва ҳаётига муносабати ҳам маданиятдир. Профилактик кўриқдан ўз вақтида ўтиш, зарарли одатдан воз кечиш, жисмоний фаолликка эътибор бериш, фарзандига соғлом турмуш тарзини

Миллий юксалиш маънавиятдан бошланади

Бугун дунё мисли кўрилмаган тезликда ўзгармоқда. Сунъий интеллект инсон бажарадиган кўплаб вазифаларни зиммасига олмақда, рақамли технологиялар масофа ва вақт тушунчасини ўзгартирмоқда, глобал ахборот оқими эса турли маданият, ғоя ва қадриятларни бир маконда тўқнаштирмоқда. Геоисёсий зиддиятлар, экологик муаммолар, ахборот босими, индивидуализм кучайиши ва анъанавий ижтимоий муносабатлар трансформацияси шароитида бир ҳақиқат тобора равшанлашмоқда: мамлакат тараққиётини фақат иқтисодий рақамлар билан ўлчаб бўлмайди.

намуна қилиб кўрсатиш оддий маиший одатлардек кўринади. Аслида эса булар инсоннинг ўзи, оиласи ва жамият олдидagi масъулиятини ифодалайди. Бошқача айтганда, инсон қадрни давлатнинг инсонга муносабати билангина эмас, инсоннинг ўзига муносабати билан ҳам ўлчанади.

Учинчи йўналиш — юқори технология ва меҳнат унумдорлигига асосланган иқтисодиёт. Бу ерда фақат техник модернизация ҳақида гап кетмапти. Технологик тараққиётдан олдин тафаккур тараққиёти келди. Инновацияга очиқлик, янгиликдан кўрқмаслик, хатодан тўғри хулоса чиқариш, доимий ўрганиш, ижодий фикрлаш ва натижа учун масъулият — буларнинг барчаси замонавий меҳнат маданиятининг маънавий белгиларидир. Айниқса, сунъий интеллект даврида муҳим бир савол пайдо бўлади. Энди фақат “нимани яратга оламиз?” эмас, “нимани яратишимиз керак ва уни қандай мақсадда ишлатамиз?” деган саволни қўйиш зарур. Сунъий интеллект тиббий таъхисга ёрдам бериши ҳам мумкин, ёлгон ахборотни оммалаштириши ҳам.

олдидаги, иккинчиси — жамият ва қонун олдидagi масъулият.

Глобал иқлим ўзгариши, сув тақчиллиги ва экологик хавфлар кучайиб бораётган шароитда экологик муаммони фақат муҳандислик ва технология билан ҳал этиб бўлмайди. Нутқда сув ва табиатга муносабатини тубдан ўзгартириш вазифаси қўйилиб, табиатга муносабат халқ маданияти ва тараққиёт сифати билан боғланган. Бу жуда муҳим ёндашув. Чунки сувни тежайдиган энг замонавий технологияни ўрнатиш мумкин, аммо инсонда тежамкорлик маданияти бўлмаса, қутилган натижага эришиб бўлмайди. Кўп қаватли уй ёнида дарахт экиш мумкин. Лекин уни асраш “кимнингдир вазифаси” деб қаралса, яшил ҳудуд узоқ яшамайди. Кўчада чиқинди қутиси ўрнатиш мумкин. Аммо инсон қоғозни ерга ташлаб, “фаррош тозалайди” деб ўйласа, тўғри бўлмайди, албатта. Шунинг учун экологик сиёсат билан бирга экологик маънавият ҳам шаклланиши зарур. Экологик маънавиятнинг энг оддий ифодаси инсон ўзидан кейин ҳам ҳаёт давом этишини



Алгоритм инсонга билим етказиш ҳам мумкин, уни ёпиқ ахборот муҳитига қамаб қўйиш ҳам. Демак, технология қудрат ахлоқий масъулият билан уйғунлаштириш шарт. “Технология” ва “масъулият” инсон манфаатига хизмат қиладиган тараққиёт бўлиши лозим.

Шу нуқтада ёшларга муносабат ҳам ўзгариши керак. Ёшларни фақат турли зарарли таъсирлардан ҳимоя қилиниши керак бўлган “тарбия объекти” сифатида кўриш замонавий жамият учун етарли эмас. Ёшлар ғоя яратадиган, стартап қиладиган, илм билан шуғулланадиган, маҳалла ва жамият муаммосига ечим тақлиф этадиган, ахборот маконидида миллий контент ва интеллектуал маҳсулот яратадиган ижтимоий субъект бўлиши керак. Маърузада халқро олимпиада ва танловларда юқори натижа кўрсатган ёшларга келажак бунёдкорли сифатида муносабат билдирилиши ҳам шу нуқтаи назардан муҳим. Демак, ёшлар сиёсатидаги янги вазифа фақат “ёшни қандай тарбиялаймиз?” деган саволдан иборат бўлмайди. Яна бир савол қўйилади: “ёшларга мамлакат келажатини яратишда қандай реал иштирок майдони берамиз?”. Тарбия объектидан тараққиёт субъектига ўтишнинг моҳияти ҳам ана шунда.

Масъулият маданияти: табиат ва қонунга муносабат

Маънавият кўпчанга инсоннинг бошқа инсон билан муносабати орқали тушунтирилади. Лекин инсоннинг табиатга ва қонунга муносабати ҳам унинг маънавий қиёфасини белгилайди. Шу жиҳатдан тўртинчи ва бешинчи миллий дастурлар ўртасида чуқур ички боғлиқлик бор. Биринчиси — табиат

англашидир. Сувни тежаш фақат коммунал харажати камайтириш эмас. У эртанги авлоднинг сувдаги улушига дахл қилмаслик маданиятидир. Дарахтни асраш фақат кўпаламзорлаштириш режасини бажариш эмас. У ҳал туғилмаган болаларнинг тоза ҳавога бўлган ҳуқуқини тан олишидир. Шунда экологик масъулият техник масаладан ахлоқий масалага айланади. Худди шу каби қонун устуворлиги ҳам фақат ҳуқуқни жамият учун етарли эмас. Ёшлар ғоя яратадиган, стартап қиладиган, илм билан шуғулланадиган, маҳалла ва жамият муаммосига ечим тақлиф этадиган, ахборот маконидида миллий контент ва интеллектуал маҳсулот яратадиган ижтимоий субъект бўлиши керак. Маърузада халқро олимпиада ва танловларда юқори натижа кўрсатган ёшларга келажак бунёдкорли сифатида муносабат билдирилиши ҳам шу нуқтаи назардан муҳим. Демак, ёшлар сиёсатидаги янги вазифа фақат “ёшни қандай тарбиялаймиз?” деган саволдан иборат бўлмайди. Яна бир савол қўйилади: “ёшларга мамлакат келажатини яратишда қандай реал иштирок майдони берамиз?”. Тарбия объектидан тараққиёт субъектига ўтишнинг моҳияти ҳам ана шунда.

муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини ҳам таъминланмайди. Қонун кучли бўлиши учун уни ҳимоя қиладиган давлат институтлари зарур. Лекин қонун устувор бўлиши учун уни ҳурмат қиладиган фуқаро ҳам керак. Кўчада камера борлиги учун қондага амал қилиш — назорат натижаси. Камера бўлмаганда ҳам қонданги бузмаслик — маданият. Ўнбатта таниш-билиш орқали олдинга ўтиб кетмаслик, давлат мулкига “бировники” деб қарамаслик, солиқни мажбурий эмас, жамият олдидagi масъулият деб англаш, ўз ҳуқуқини талаб қилар экан, бошқа инсоннинг ҳуқуқини ҳам тан олиш — ҳуқуқий маънавият ана шундай оддий вазиятларда намоён бўлади. Шу сабабли қонун устуворлигини умумий қадриятга айлантириш ва ҳуқуқий тарбияни мактабдан бошлаш вазифаси стратегик аҳамиятга эга.

Болага қонун моддаларини ёдлатишнинг ўзи ҳуқуқий тарбия эмас. Унга адолат нима эканини, умумий қонда нима учун барчага бир хил таъбиқ этилишини, бошқа инсоннинг ҳақи қаердан бошланишини ҳаётини вазиятлар орқали англатиш керак. Шунда қонун ташқи мажбуриятдан ички эътиқодга айланади. Ҳуқуқий давлатнинг энг кучли пойдевори ҳам ҳар бир фуқаронинг ёнида турган назоратчи эмас, балки инсоннинг ички ҳуқуқий мезонидир.

Маҳалла ва бағрикенглик: бирдамликнинг ижтимоий капитали

Миллий юксалишнинг яна икки муҳим таянчи — маҳалла ва бағрикенглик. Бир қарашда улар турли йўналишлардек кўринади. Аслида эса ҳар иккиси жамиятда ишонч ва бирдамликни шакллантиради.

Маърузада маҳаллани жамият тараққиётининг асосий буюртмачисига айлантириш, ҳудудий дастур ва лойиҳаларни аҳолининг реал талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб белгилаш ёндашуви илгари сурилди. Бу маҳалланинг моҳиятини кенгайтириб юборади.

Маҳалланинг келажакдаги кучи маблаг ёки ваколатгина эмас, ижтимоий ишонч ишлаб чиқара олиши билан ҳам ўлчанади. Ишонч бор жойда одамлар ҳамкорлик қилади. Ҳамкорлик бор жойда умумий муаммога

ечим топиш осонлашади. Дахлдорлик пайдо бўлган жойда эса “давлат ҳал қилсин” деган пассив позиция аста-секин “биз нима қила оламиз?” деган фуқаролик позициясига айланади.

Бағрикенглик ҳам ижтимоий ишончнинг янада кенгрок кўринишидир.

Ўзбекистонда 130 дан ортиқ миллат ва элат ҳамда 16 та диний конфессия вакилларининг тинч ва аҳил яшаётгани, нутқда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик мамлакатнинг бебаҳо бойлиги сифатида баҳоланиши бежиз эмас. Аммо бағрикенгликни “ҳамма бир хил фикрлайди”, деган тушунча билан адаштирмаслик керак. Бир хиллик — бирдамлик эмас. Бирдамлик фарқларни сақлаган ҳолда умумий мақсад атрофида бирлаша олиш қобилиятидир. Бошқа миллат вакили ўз она тилида сўзлашади, бошқа дин вакили ўз эътиқодига амал қилиши ёки икки инсон муайян масалада турлича фикр билдириши жамият учун хавф эмас. Хавф фарқни душманликка айлантиришдан бошланади. Шунинг учун замонавий бағрикенглик фақат “чидаш” эмас, балки мулоқот қила олиш, ўзга инсон қадр-қимматини тан олиш, турлилик билан бирга яшаш маданиятидир. Бу маданият қанчалик кучли бўлса, ижтимоий ишонч ҳам шунчалик юқори бўлади. Шу маънода, бағрикенгликни ижтимоий барқарорлик капитали деб аташ мумкин. Бағрикенглик ишончини, ишонч бирдамликни, бирдамлик эса ижтимоий ҳамжиҳатликни мустаҳкамлайди. Мустаҳкам ҳамжиҳатлик эса барқарорлик ва тараққиётнинг муҳим маънавий асосига айланади. Бугунги нотинч дунёда бу ресурс айрим моддий бойликлардан ҳам қимматлироқдир. Чунки иқтисодий йўқотишни вақт ўтиб тиклаш мумкин. Жамият ичида синган ишончни тиклаш эса анча қийин.

Миллий юксалиш, аввало, инсоннинг ички юксалишидан бошланади

Шундай қилиб, келгуси ўн йилликка мўлжалланган етти та миллий дастурга маънавий жараёнлар нуқтаи назаридан қаралганда, улар алоҳида соҳалар йиғиндиси эмас, балки ягона ижтимоий-маънавий тизим экани кўринади.

Билим инсонга имконият беради. Саломатлик унинг ана шу имкониятдан фойдаланишига замин яратади. Инновацион тафаккур янги натижа яратишга ундайди. Экологик маданият инсонни келажак авлод олдига масъул қилади. Ҳуқуқий маънавият адолат ва тартибни таъминлайди. Маҳалла одамларни бир-бирига яқинлаштирилади. Бағрикенглик эса турлича инсонларни умумий ватан ва умумий мақсад атрофида бирлаштиради.

Шу сабабли “миллий юксалишнинг маънавий еттилиги”ни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Билим, аммо масъулиятсиз инсон тараққиёт учун хавф ҳам туғдириши мумкин. Технологик жиҳатдан ривожланган, аммо ҳуқуқ ва ахлоқ қадрланмайдиган жамият барқарор бўлмайди. Иқтисодий бой, аммо табиатга нисбатан истеъмолчилик муносабати кучли мамлакат ўз келажакга ҳисобига яшайди. Қонуни мукаммал, аммо одамлар ўртасида ишонч бўлмаган муҳитда жамиятнинг ички энергияси пасаяди. Шу боис, янги босқим маънавият ҳақидаги тасаввуримизни ҳам англашнинг талаб қилади. Маънавиятнинг фақат таъбир, учрашув, маъруза, китоб ёки шпор билан тенглаштириш етарли эмас.

Маънавият инсоннинг иш жойига вақтида келишидан тортиб, давлат мулкига муносабатига, фарзандига берган тарбиясидан тортиб, интернетда тарқатаётган ахбороти, га, сувдан фойдаланишидан тортиб, йўл ҳаракати қондасига амал қилишигача, ўз ҳуқуқини талаб этишидан тортиб, бошқаларнинг ҳуқуқини ҳурмат қилишигача бўлган кундалик ҳуқ-аъвода намоён бўлади.

Демак, XXI аср жамиятида маънавият мавҳум тушунча эмас. Маънавият ижтимоий муносабатлар сифатидир. Миллий юксалишнинг энг катта мезони ҳам шу ерда.

Мустақиллигининг ўттиз беш йилги халқимизнинг ўзлигини қайта англаш, тарихий хотирани тиклаш ва миллий давлатчилик пойдеворини мустаҳкамлаш даври бўлган бўлса, келгуси ўн йиллик ана шу маънавий салоҳиятни билим, инновация, адолат, экологик масъулият, ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик орқали янги тарқатиёт кучига айлантириш даври бўлиши лозим.

Бир сўз билан айтганда, миллий юксалиш, энг аввало, инсоннинг ички юксалишидан бошланади. Унинг энг мустаҳкам қафолати ҳам ана шунда.

Китоб — инсон учун энг яхши суҳбатдош. У қаршингизга келиб, ўзини мажбурланган танитмайди, баланд овозда гапирмайди, эътибор талаб қилмайди. Шунчаки қўлга олинади, варақланади ва аста-секин инсоннинг ички дунёсига кириб боради. Китобхонликнинг энг катта мўъжизаси ҳам шунда: инсон жойидан қимирламаган ҳолда дунёнинг турли манзилларига сەҳнат қилади, ўзи яшамаган замонларда яшайди, ўзи учратмаган инсонлар билан суҳбатлашади ва энг муҳими, ўзлигини англашга яқинлашади.



Озбек ЙИГИТАЛИЕВ,
Фаргона давлат университети
ҳузуридаги “Китобхонлар клуби” раҳбари

Бугун ёшлар орасида китобхонлик маданиятини ривожлантириш ҳақида гап кетганда масалани фақат “кўпроқ китоб ўқиш керак” деган оддий қақирқ билан чеклаб бўлмайди. Китобнинг қадрини рақамлар билан баҳолаш қийин, аммо унинг атрофида шаклланган муҳитни айрим статистик кўрсаткичлар орқали тасаввур қилиш мумкин. Фаргона давлат университети ахборот-ресурс маркази ҳузурида фаолият юритаётган “Китобхонлар клуби” ана шундай муҳитни яратиш йўлидаги ташаббуслардан. Бугун клуб фаолиятига 1000 дан ортиқ талаба жалб этилган. Уларнинг базилари китобни болаликдан севиб мутлола қилиб келган бўлса, жуда қўли айнан талабалик йиллари китобга меҳр қўйди.



Китобхонлик сари элтувчи йўллар ҳам замон билан ҳамнафас ўзгариб бормоқда. Агар кеча китоб ўқиш учун кутубхонага бориш керак бўлган бўлса, аун рақамли технологиялар мутолаани инсоннинг кундалик ҳаётига яқинлаштириб қўйган.

“Мутлола” каби замонавий платформалар китобни электрон қурилмаларга кўчириб, ёшлар учун мутлоанинг янги шакллари яратмоқда. Китобнинг шакли ўзгариши мумкин, аммо унинг инсон тафаккурига таъсири ўзгармайди. Қоғоздаги саҳифа ҳам, экрандаги саҳифа ҳам биргина мақсадни — инсон тафаккурини уйғотишни кўзлайди. Шундай экан, бугунги ёшларни китобга олиб киришда замонавий имкониятлардан ўринли фойдаланиш ҳамда уларни анъанавий мутлола муҳити билан уйғунлаштириш жуда муҳим.

“Ёш китобхон” танлови ёшларнинг китобга муносабатини мутлоқа янги босқичга олиб чиққан улкан ташаббуслардан бири бўлди. Бу танлов номининг ўзидаёқ теран маъно мужассам: “ёш” — келажакни, “китобхон” эса тафаккур ва маърифатни ўзида ифода этади. Китоб ўқиган йилгит-қизнинг фикр доираси кенгайди ҳамда дунёни бошқаларнинг нигоҳи билан ҳам кўришни ўрганади. “Китобхон оила” каби ташаббуслар эса китобхонликни оилавий қадрият даражасига кўтариш мумкинлигини исботламоқда.

Чунки мутлоанинг энг гўзал манзараларидан бири хонадонда турли авлод вакилларининг битта китоб атрофида жамланиб суҳбат қуришидир. Бобо ўқиган китобни ота эслайди. Ота ўқиган асарни фарзанд ўқийди. Фарзанд эса у орқали ўзи учун бутунлай янги дунёни кашф этади. Шу тариқа мутлола авлоддан авлодга ўтувчи маънавий меросга айланади.

Китобхонлик ва ижод — бир-биридан ажралмайдиган, узвий тушунчалар. Қўп ўқиган инсоннинг қалбиди бир кун келиб ўз ўзини айтиш эҳтиёжи туғилади. Бошқаларнинг ҳикояларини ўқиб таъсирланган қалб, албатта, ўз ҳикоясини ёзишга интилади. Шеръ ўқиган ёш шеръ қоралашга уринади, адабий асар муҳитида яшаган талаба

ўз фикрларини бадий либосда ифодалашга ҳаракат қилади. Шу маънода, “Китобхонлар клуби” билан бир қаторда фаолият юритаётган “Мушоира клуби” ҳам ёшларнинг маънавий ҳаётини ижодий дунёсига бойитишга хизмат қилмоқда.

Дарҳақиқат, китобхонлик бирор таъбир китобни электрон қурилмаларга кўчириб, ёшлар учун мутлоанинг янги шакллари яратмоқда. Китобнинг шакли ўзгариши мумкин, аммо унинг инсон тафаккурига таъсири ўзгармайди. Қоғоздаги саҳифа ҳам, экрандаги саҳифа ҳам биргина мақсадни — инсон тафаккурини уйғотишни кўзлайди. Шундай экан, бугунги ёшларни китобга олиб киришда замонавий имкониятлардан ўринли фойдаланиш ҳамда уларни анъанавий мутлола муҳити билан уйғунлаштириш жуда муҳим.

“Ёш китобхон” танлови ёшларнинг китобга муносабатини мутлоқа янги босқичга олиб чиққан улкан ташаббуслардан бири бўлди. Бу танлов номининг ўзидаёқ теран маъно мужассам: “ёш” — келажакни, “китобхон” эса тафаккур ва маърифатни ўзида ифода этади. Китоб ўқиган йилгит-қизнинг фикр доираси кенгайди ҳамда дунёни бошқаларнинг нигоҳи билан ҳам кўришни ўрганади. “Китобхон оила” каби ташаббуслар эса китобхонликни оилавий қадрият даражасига кўтариш мумкинлигини исботламоқда.

Мутлола билан бошланган ёруғ йўл ҳеч қачон зое кетмайди. Чунки китоб ўқиган инсоннинг қўлида фақат бир асар эмас, бутун бошли олам гавдаланади. Оламини уқа олган инсон эса, албатта, бир кун келиб ўзининг гўзал дунёсини барпо этишга ҳаракат қилади.

